



Ислом Нури

3403 марта кўрилган

Аллохга хамд бўлсин ва Мухаммад мустафога салавоту салом бўлсин.

Аллохим биз Сендан Сени севмокни, Сени севганларни севмокни ва Сени мухаббатингга якинлаштирадиган амалларни биз учун севимли килмогингни сўраймиз!

Бухорий ва Муслим ўз сахиҳларида келтирган хадисларида Анас ибн Молик разияллоху анху шундай ривоят киладилар:

«Пайгамбаримиз билан бирга масжиддан чикиб келаётганимизда эшик олдида бир кишини учратдик. У:

- Ё Расулуллох киёмат қачон? – деб айтди. Расулуллох саллоллоху алайхи ва саллам сўрадилар:

- Сен унга нима хозирладинг? Шунда у киши бошини куйи солди, ва:

- Мен у Кунга хозирлаган намоз, рўза ва садакаларим унчалик кўп эмас. Лекин мен Аллох ва расулини яхши кўраман – деди.

Пайгамбаримиз:

- Албатта сен севганларинг билан бирга бўласан- дедилар».

Анас разияллоху анху айтадиларки: «Исломни қабул қилишдан сўнг бизни энг қувонтирган нарса Расулуллохнинг айтган ушбу сўзлари эди: **«Албатта сен севганинг билан бирга бўласан».**

Имом Муслим ўз сахиҳларида Анас розияллоху анхуни яна ушбу сўзларини келтирадилар: **«Мен Аллох ва расулини, Абу Бакр ва**



Ислом Нури

Умарни яхши кўраман. Гарчи амалларим уларникидек бўлмасада, улар билан бирга бўлишни орзу киламан».

Имом ибнул Коййим – роҳимахуллох – муҳаббат ҳақида шундай дейдилар: «У шундай манзилатки, мусобакалашувчилар унга эришиш йўлида мусобакалашадилар, амал килувчилар унга қайтадилар, эзгу ишларга шошиб-ўзувчилар у сари енг шимариб маҳкам бўладилар, муҳаббат килувчилар у манзилатда ўзларини содикликларини намоён киладилар ва обидлар унинг ёқимли шаббодаси ила баҳраманд бўладилар.

У калблар куввати, рухлар озукасидир.

У кўз кувончи бўлиб, у шундай ҳаётки, ундан бебаҳра одам ўликлар жумласидандир.

У нурдирки, уни йукотган одам зулуматлар тўфонлари ичра қолиб кетибди.

У шифодирки, ким ундан ажралиб қолса, унинг калбини жамики касалликлар эгаллаб олади.

У шундай тотли лаззатки, ким уни соғинмас, кўмсамас экан, унинг ҳаёти гаму-аламлар ичра ўтгусидир. Аллоҳга касамки, муҳаббат аҳли дунё ва охиратда шарафлидирлар. Улар учун энди Суюқлилари тарафидан ундан-да улканроқ насиба бордир».

Энди, кимки Аллоҳни яхши кўрувчи инсондан Аллоҳ уни яхши кўрувчи инсон даражасига кўтарилмоқ истаса, унга ушбу Аллома ибнул Коййим роҳимахуллох ўзларининг «Мадорижус са-а-ликийн» китобларида келтирган воситаларни қискача шарҳи ила такдим



Ислом Нури

этамиз:

1. Куръони каримни тадаббур ила тиловат килиш, унда ирода этилаётган нарсаларни фахмлашга ҳаракат килиш, худди, кул хўжайинининг муродини англаш учун у томонидан берилган китобни ёдлаб маъноларни тушунишга ҳаракат қилгани каби.

Ҳа, кимки Аллоҳ таоло унга сўйлашини яхши кўрса-хохласа, у холда, Унинг китобини тиловат қилсин. Хасан ибн Али айтган эканлар: «Сизлардан аввалгилар Куръонни Аллоҳдан келган мактуб деб билар, тунлари уни ўқиб чиқиб, кундузлари уни ҳаётга татбиқ этардилар».

Ибнул Жавзий роҳимахуллоҳ айтадилар: «Куръони азиймни тиловат қилувчи киши, Аллоҳ таоло Ўз каломининг маъноларини инсонларнинг онгу-тушунчаларига етказиш, англатиш билан қанчалик улкан лутф кўрсатганига эътибор қилиши лозим. Шу билан бирга ўқиётган ушбу каломлари башарнинг сўзи эмаслигига диққат қилиши, қалбида мутақаллим-гапирувчи Зотнинг азамати, улуглигини ҳис этиши ва Унинг сўзларини тадаббур қилиши керак».

Имом Нававий айтган эканлар: «Аллоҳнинг китобини ўқувчи қори энг аввало, қалбида Аллоҳ таоло билан роз айтишаётганини, Унга муножот қилаётганини ҳис этиши, тасавурига келтириши лозим. Пайгамбар асхобларидан бўлган бир киши Раҳмоннинг сифати бўлган «Ихлос» сурасини намозда такрор ва такрор тиловат қилар эди. Ундан бунинг сабабини сўралганда, у: «Чунки унда Раҳмоннинг сифати бордир. Шунинг учун уни ўқишни яхши кўраман» деб жавоб берди. Бу ҳақда Пайгамбаримизга хабар берганларида: «Унга етказиб қўйинглар, Аллоҳ уни яхши кўради» деган эканлар.

Шу нарсани яхши англашимиз керакки, Куръон тиловат қилишдан



Ислом Нури

такарруб-якинлик килиш. Албатта у инсонни мухаббатдан сўнг махбублик-яъни Аллох тарафидан севимли бўлиш даражасига элтади.

Расулulloх саллоллоху алайхи ва саллам ушбу хадиси кудсийни ривоят киладилар: Аллох таоло дейди: **«Менга содик бўлган бандамга кимки адоват килса, унга уруш эълон килгумдир. Унга фарз этган амалларимни адо этгач, яна Мени мухаббатимга эришиш учун нафл ибодатларда хам коим бўлишлик ила Менга якинлашаётган бандам мен учун жуда суюклидир. Агар Мен уни яхши кўриб колсам, Мен уни эшитадиган кулоги, кўрадиган кўзи, ушлайдиган кўли ва юрадиган оёги бўлгумдир. Мендан нимани сўраса ато этгум ва Мен билан нимадан панох сўраса панохимга олгумдир».** (Бухорий ривояти)

Ушбу хадис нажот топгувчиларнинг икки тоифасини баён килади:

1. Аллох буюрган фарзларини адо килиш ва У зот белгилаган худудларини риоя килиш ила Аллохни яхши кўрувчилар тоифаси.

2. Буюрилган фарзларни адо этиш билан бирга нафл ибодатлар ила Аллохга якинлашган ва натижада Аллох тарафидан суюкли бўлганлар тоифаси. Бу эса Ибнул Коййим баён этган «Бу, яхши кўришликнинг авлорок бўлган даражасига кўтарувчи манзилатдир».

Ибни Ражаб Ханбалий айтадилар: «Аллохнинг мукарраб авлиёлари икки тоифадирлар. Биринчи тоифани баёни юкорида ўтди. Иккинчи тоифа эса дейдиларки, фарзларни бажаришдан сўнгра нафл-ихтиёрий ибодатларда давомий бўлган инсонлардир. Улар собикийнул-муррибийн (эзгу амаллар килишда ўзувчи ва Аллохга якин



Ислом Нури

бўлганлар) даража ахлидирлар. Чунки улар зиммаларидаги вожиботларни ўташлик билан бирга ихтиёрий ибодатларда ҳам фаол ҳаракат қилишди ва карохиятли-ёмон кўрилган амаллардан тийилишда, такво қилишда бардавомлик билан Аллохга якин бўлдилар. Бу нарсалар ҳадиси қудсийда Аллох таоло: **«Бандам Менга нафл ибодатлар ила якинлашар экан, Мен уни яхши кўриб қоламан»** деб марҳамат қилганидек, бандага Аллохнинг муҳаббатини насиб этади. Кимники Аллох яхши кўрар экан, уни Ўз муҳаббати, тоати ва марҳамати ила ризклантириб кўяди. Аллохга якин қилувчи нафл ибодатлар турличадир. Улар намоз, закот, рўза, ҳаж ва умра каби фарз бўлган амалларни ихтиёрий тарзда зиёда қилишдир.

3. Барча ҳолатларда ҳам тил, амал ва хол билан Аллох зикрида давомий бўлиш. Банданинг Аллох муҳаббатидан насибаси унинг зикрдаги насибаси миқдорига қараб бўлур.

Расулуллох саллоллоху алайхи ва саллам дейдилар: **«Албатта Аллох таоло айтади: «Қачон бандам Мени зикр этиб, лабини кимирлатар экан, Мен у билан биргаман».** Куръони қаримда эса: **«Мени ёд қилинглари, Мен ҳам сизларни эсламан-ёд қиламан»** дейди.

Бир куни Пайгамбаримиз: **«Муфарридулар ўзиб кетишди»** дедилар. Саҳобалар: **«Қим у муфарридулар ё Расулуллох?»** деб сўрашди. Пайгамбаримиз: **«Аллохни кўп зикр этувчи эркак ва аёллар»** деб марҳамат қилдилар. (Муслим ривояти)

Шу билан бирга Пайгамбаримиз Аллохни зикр қилмайдиган инсонларнинг бахтсизлиги ҳақида шундай дейдилар: **«Қайси бир қавм бир жойда жамланиб ўтиришса-ю, лекин Аллохнинг зикр**



Ислом Нури

килмасдан туришадиган бўлса, худди ўлган эшакнинг сасиган жасади тепасидан тургандек бўлишибди ва киёмат куни бу ўтиришлари уларга хасрат бўлгусидир»

Расулуллох саллоллоху алайхи ва салламнинг олдиларига бир киши келди ва: **«Эй Аллохнинг Расули: Ислом шариат-конун коидалари менга кўпайиб кетди. Сиз менга бир нарсани ўргатинг, мен унга каттик амал килай» деди. Расулуллох айтдилар: «Тилинг хеч қачон Аллох зикридан тўхтамасин».**

(Термизий ва Ибн Можа ривоятлари)

Сахобий розияллоху анхумлар ўз хаётлари давомида ушбу гоят кимматли васиятни теран англаган ва унинг амалига каттик ҳаракат қилган зотлар эдилар. Сахобийлардан бирлари айтган эканлар: «Тилингни Аллох зикри ила доимо машгул қилар экансан, жаннатга қулган холингда кирасан».

4. Нафс-хаво голиб келсада ўзи суйган нарсаларидан кўра Севиқлиси яхши кўрган нарсаларни ортик кўриш-устун кўйиш. Гарчи кўтарилиш машаккатли кечсада, Севиқли зот сари юксалиш.

Ушбу иборани шархлаб Ибнул Қоййим шундай дейдилар:

«Бошқаларнинг розилигидан Аллохнинг розилигини устун кўйиш, ихтиёр қилиш ва танлаш. Бунда, банда Аллох рози бўладиган ишнигина хохлайди ва қилади, гарчи буни халқлар ёқтирмасин ва ундан газаб қилсинлар. Бу пайгамбар алайхиссаломларга хос бўлган ийсор-афзални ихтиёр қилиш даражасидир. Ундан ҳам юқоригои Улул-азм пайгамбарларга хос. Ундан ҳам юқориси эса пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссаломга хосдир».

Буларнинг бари уч ишни амалга ошириш билангина хосил бўлади.



Ислом Нури

а). Нафс хохишларини бўйсундириш, унинг устидан эгалик қилиш.

б). Нафс-хаво хохишларига муҳолиф-қарши бўлиш.

в). Шайтон ва унинг дўстларига қарши қурашиш.

Шайхулислом Ибн Тайимия айтган эканлар: «Мусулмон киши Аллохдан кўркиши ва нафс хохишларидан тийилиши керак бўлади. Инсон нафс-хаво ва шахват туфайли жазоланмайди. Балки у шахватларга эргашгани ва уларнинг васвасасига ўқиб иш қилгани ўчун жазога мубтало бўлади. Шунинг ўчун бу хохишлардан тийилиш ибодат ва солих амал ҳисобланади».

5. Қалбни Аллохнинг исм ва сифатлари, уларнинг маърифати ва улар ҳақида мушоҳадага юзлантириш. Ушбу маърифат богларида тафаккур ила сайр қилиш. Қимқи Аллохни исм, сифатлари ва феъллари билан танир экан, шубҳасиз уни яхши кўриб қолади.

Ибнул Қоййим роҳимахуллох айтадилар: «Олим Аллохга элтувчи йўл устида бўлмас ва Аллохни танимас экан уни маърифат соҳибидеб тавсифланмайди. Ориф шундай кишики, Аллохни исм-сифатлари ва феъллари ила танигандан кейин Аллохга қилаётган ибодатида содиқ бўлган, мақсади ва ниятини ҳолис У зот ўчун қилган кишидир».

Қимқи мана шу исм-сифатларни инқор этар экан, у ислом ва иймон асосларини бузибди ва эҳсон дараҳтига талафот етказибди.

Пайгамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам: «**Аллохнинг тўксон тўққиз исми бор. Қимқи уларни ёд қилса жаннатга қиради**» деб марҳамат қилганлар. («Ёд қилиш» дан мурод бу исмларни маъноларини билиб, унинг тақозосига биноан амал қилиш. Масалан:



Ислом Нури

Аллохнинг «Басийр» – «Кўрувчи» исмининг том маъноси Унинг кўриши ўзига хос бўлиб бандаларнинг кўришига киёс килинмайди, унинг кўриши олдида бирор нарса тўсик бўла олмайди, на зулмат, на девор ва на бошқаси. У хар бир харакатни кўриб туради, унинг бир харакатни кўриши бошқасини кўришдан машгул килиб кўймайди, у бир вақтнинг ўзида барча махлукотларининг харакатларини кузатиб туради. Банда ўз парвардигорининг кўриши шу каби чексиз эканини билгач, унга ёкмайдиган ва у рози бўлмайдиган хар кандай амални килишдан хижолат килади ва ундан тийилади. Аллохнинг исм-сифатларини билишнинг энг буюк самараларидан бири мана шудир. Бошка исм-сифатларнинг маъносини билиш хам шу кабидир. **Тахририятдан).**

Банда эхсон, инъом, яхшилик ва лутф ичра буркангандир. Бу неъматни англаш инсон шууридан юкори ва хиссидан кўра баландроқдир. Дархакикат, Аллохдан кўра мунъим (неъмат ато этувчи) ва мухсин(эхсон килувчи) йўқдир. Бунга соглом акл хам, накл килинган ишончли хабарлар хам далолат килади. Акл эгалари – басийрат сохиблари наздида хакикатан, Аллохдан ўзга махбуб йўқдир. У зотдан бошқаси буткул мухаббатга, яхши кўришга мустахик-лойик эмасдир. Инсонни табиати шулки, унга яхшилик килганни, лутф-мархамат кўрсатганни яхши кўради. Унга бу мархамат учун керак бўлса ёрдам беради, душманлардан химоя килади. Ва унинг жамики эхтиёжларига кўмак беришга харакат килади. Агар инсон хакикий маърифатни англаб етса, шуни тушуниб етадики, унга мухсин Зот- Аллох субханаху ва таологинадир ва Унинг ато этмиш анвойи эхсонларини адоги йўқдир. Аллох таоло мархамат килади: **«Аллохнинг неъматларини хар канча санасангиз хам адогига етолмайсиз».** (Иброхим: 34).

Саййид Кутб рохимахуллох айтган эканлар: «Калб бу шундай нарсаки



Ислом Нури

– унинг хосиятидан инсон инсон бўлиб етишган. У бу улкан мулк-салтанатдаги кўтаришдан еру осмонлар, тоғлар ожиз бўлган иймон омонатини ихтиёр этган ва Аллох таолонинг тўғри йўли ва хидоят устида ихтиёрий истикоматни танлаган идрок, фарклаш ва маърифат кувватидир. Хеч ким ушбу кувватнинг мохиятини, жисмнинг ичкараси ёки ташкарасида бўлган марказини билмайди. Бу Аллох таолонинг инсонга жо этган сиридир ва буни Ундан ўзга хеч ким билмас».

6. Бутун калби билан Аллох таоло хузурида ўзини хокисор тутиш, бўйинсуниш.

Аллох таоло мархамат килади: **«У Кунда овозлар хам Рахмонга таъзим килур, бас, факат пичирлашнигина эшитурсиз»** (Тоха: 108).

Салафларимизда хушув, хокисорлик жуда ажиб кўринишларда бўлган. Бу холатлар уларнинг калблари мусаффо ва пок бўлганига далолат килади. Абдуллох ибн Зубайр намозга турган чоғларида, хушувга берилганларидан устун каби ҳаракатсиз котиб колар эдилар. Саждада узок колганларидан, у зотни ёғоч ёки девор деб гумон килган кушлар елкаларига келиб кўнишарди.

Али ибн Хусайн намозга тахорат олганларида ранглари оқара бошларди. «Тахорат вақтида сизни ташвишлантирган нарса нимадир?»-деб сўраганларида:

– «Хозир мен кимни хузурида туришимни биласизларми ўзи?» деб жавоб берган эканлар.

7. Унга муножот килиш, Унинг каломини тиловат килиш учун Илохий



Ислом Нури

нузул вақтида, тунлари У Зот ила хилватда қолиш. Самимий қалб билан убудийят-қулчилик одоби ила У зотнинг хузурида қоим бўлиш. Сўнгра буларни барчасини истиғфор ва тавба ила хотималаш.

Аллох таоло марҳамат қилади: **«Уларнинг ёнбошлари ўрин-кўрпаларидан узок бўлур ва Роббиларига кўркув ва умид ила илтижо-дуо қилурлар. Ва биз уларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан инфок-эхсон қилурлар»** (Сажда: 16).

Шак-шубҳасиз тун соҳиблари муҳаббат ахлидандирлар. Балки муҳаббат ахлининг шарафлиси, обрўлисидирлар. Чунки, узун тунларда У Зот хузурида ибодат билан қоим бўлишлари уларда юқорида зикри ўтган барча муҳаббат сабабларини ўзида мужассам қилади. Само амини Жаброил алайҳис-салом Ер амини Мухаммад саллоллоху алайҳи ва саллам хузурларига тушиб, айтардилар: «Билингки, мўминнинг шарафи тунги қиёми-лайли ва инсонлардан беҳожатлигидадир. (яъни уларнинг қўлидаги нарсаларга мухтож бўлмаслигидадир).

Хасан Басрий айтаган эдилар: «Ибодатлар ичида тунги намоздан кўра қучлироқ ибодатни топмадим. У киши: «Нима сабабли таҳажжудда қоим бўлувчилар инсонлар ичида чиройли юзлиликлари билан ажралиб турадилар?»- деб сўралганида, шундай жавоб берган эканлар: «Чунки улар Раҳмон билан холи қолиб, ибодатда бўлишди ва У зот уларни нури ила қийинтириб, бурқади».

8. Содик муҳиблар-севувчилар билан бирга бўлиш. Уларнинг покиза қаломларининг хушхўр меваларидан баҳраманд бўлиш.

Расулуллох, саллоллоху алайҳи ва саллам, марҳамат қиладилар: **«Аллох**



Ислом Нури

таоло хадиси кудсийда шундай дейди: «Мен учун бир-бирларини яхши кўрганларга Менинг мухаббатим вожиб бўлур. Мен учун бир-бирлари билан суҳбат куриб ўтирганларга Менинг мухаббатим вожиб бўлур. Мен учун бир-бирларини зиёрат этганларга Менинг мухаббатим вожиб бўлур»

Мўминнинг Аллох учун бир биродарини яхши кўриши содик иймони ва хусну хулкининг самарасидир. У шундай бир мустахкам тўсикки, у сабабли Аллох банданинг калбини хифз этади ва токи иймон заифлашмасин ва ҳақ йўлдан тойилмасин учун у билан калбни кувватлантиради.

9. Калб ва Аллох ўртасини бузадиган, ўзгартирадиган барча сабаблардан четланиш.

Агар калб фосид бўладиган бўлса, киши ундан дунёвий ишларини ислох киладиган ҳеч бир фойда топмайди ва ухровий ишларига манфаатли бўлган бирон-бир наф кўрмайди.

Аллох таоло мархамат килади: **«У Кунда на мол фойда берур ва на бола-чака. Факат Аллох хузурига тоза калб билан келгангина нажот топур».** (Шуаро:88,89).

Тавфик Аллохдандир.

Носируддин Ахмад